

МУСИҚА ТАЪЛИМИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Акмалжон Нормуҳамматович Султонов
Фарғона давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда мусиқа таълимга берилаётган эътибор, таълим тизимида олиб борилаётган янгича ёндашув, педагогик таълим технологиялар ва замонавий методлар ривожланиши мустақиллик йиллари негизида очиб берилган.

Калит сўзла: телевидение, телеграмм, интернет ресурслари, онлайн дарслар, видео семинарлар, масофавий таълим

A NEW APPROACH IN MUSIC EDUCATION

Akmaljan Normuhammatovich Sultanov
Fergana State University

Abstract: This article reveals the attention paid to music education in Uzbekistan, the new approach implemented in the education system, the development of pedagogical educational technologies and modern methods based on long-term independence.

Keywords: television, telegram, Internet resources, online lessons, video seminars, distance learning

Ҳазрат Алишер Навоий “Маҳбуб ул қулуб” асарида созанда ва қўшиқчиларга хусусида тўхталар эканлар, уларга шундай юксак баҳо берадилар: “Мутриби тарабафзо, муғанийи ғамзудо - икаласига дарду ҳол аҳли жон қилурлар фидо. Улки кўргузгай мулойим таронау нағам, агар эшитгувчининг ҳаёти нақди анга фидо бўлса не ғам. Кўнгул қуввати-хушнавоздин, руҳ қути - хушнавоздин”[1].

Албатта, мусиқа ва санъат аҳлини маҳоратини бундан ортиқ ва оддий изоҳлашнинг иложи йўқ.

Асрлар давомида шаклланиб, сайқал топган ҳалқимиз маънавий ҳаётининг муҳим бир қисмига айланган ашуналар ва мусиқаларни даврлардан даврларга дил тўрида сақлаб элтгувчи ва муносиб авлодларга етказгувчи ҳофизларнинг ижоди эзгуликка йўғрилганлиги туфайли ҳамиша эътиборга, эътирофга лойиқ. Устоз санъаткорларнинг ижодий меросини ўрганиб, уни янада кенг тарғиб этиш, ёш авлод қалбига сингдириш эса маъсулиятли ва шарафли вазифадир. Яъни миллий мусиқа санъатининг тараққий эттиришнинг ягона йўлидир. Зоро, мусиқа

санъати қалб торлари ила англанади, тушунилади, ҳис этилади. Аксарият ҳолларда улар таржимага ва изоҳга муҳтож эмас.

Бугунги кунда мусиқа соҳасида амалга оширилган ишларни нақадар юксаклигини англаш учун чорак аср кечмишга чекиниб, ўша вақтдаги ахволни бир бор эслаб қўйиш фойдадан ҳоли бўлмас. Бу борада ёши улуғ юртдошларимизнинг тасаввур қилиш имкониятлари бор.

Мустақиллик арафасида мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятида анчагина муаммолар йиғилиб қолган, соҳа таълим мазмuni жиҳатдан ҳам, яратилган шароитлар борасида ҳам ночор, миллий санъатимиз келажаги учун етарли шароит йўқ эди. Бир сўз билан айтганда, собиқ иттифоқ мусиқа ва санъат мактаблари масаласида аянчли “мерос” қолдирганди. Бу мактаблар мусиқа ва санъат йўналишларига бўлинган ҳолда, айрим-айрим эди. 1990 йилда мамлакатимизда 210 та мусиқа ва 101 та санъат мактаблари бўлиб, уларнинг 57 таси бошқа ташкилотларга қарашли ижара биноларда (қаерда бўш бино бўлса шу бинога кўчиб юрган); 198 таси мослаштирилган, нокулай иморатларда; факат олтмишга яқинигина маҳсус қурилган, ихтисослашган биноларда жойлашганди; еттига туманда эса умуман на мусиқа, на санъат мактаби очилмаган. Ўша мусиқа, санъат мактабларининг 161 таси ўтган асрнинг 40-50-йилларида ҳашар йўли билан хом ғиштдан тикланган тўрт девордан иборат бўлган. Хуллас, давр талаблари даражасида ёндошилганда, 90 фоиз мактаблар қайта қуришга муҳтож эди. Мамлакатнинг деярли ярми туманларида санъат мактаблари бўлмаган. Таълим мазмuni борасида, таъкидлаш жоизки, ўқув дастурлари асосан “марказ”дан юборилганлиги учун, албатта, миллий санъат иккинчи даражали ҳисобланарди. Албатта, бугунги кунлардаги натижаларга буларни таққослаб бўлмайди. Яратилган шароитларда ҳам, унинг натижаларида, таълим мазмунида ҳам ер билан осмонча фарқ бор.

Бугун мусиқа ва санъат мактабларида ўндан ортиқ йўналишлар бўйича болаларни устоз-шогирд анъаналари асосида миллий ва жаҳон мусиқасининг барча турларидан баҳраманд этиш, умуминсоний ва миллий қадриятлар асосидаги маданият билан таништириш ва бунинг заминида истеъододни рағбатлантириш, тарбиялаш учун барча шароитлар мавжуд. Мақсад эса – юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз Ватани, ҳалқига садоқатли, миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг тарихий анъаналаридан хабардор бўлган, айни вақтда миллий мумтоз мусиқа, тасвирий санъатни идроқ ва ижро этадиган истеъододларни тарбиялашдир.

Кейинги йиллар давомида мусиқа ва санъат мактабларига қатнаётган болалар сони 2008 йилда 38 минг бўлса, 2014 йилда 52,2 минг, таълим сифати ортиши баробарида натижалар 2008 йилда 31 нафар, 2009 йилда 40 нафар, 2012 йилда 85 нафар, 2013 йилда 101 нафари йилнинг июл ойига қадар 96 нафар

истеъдодли ёшларимиз Франция, Италия, Германия, Финляндия, Буюк Британия, Руминия, Россия, Озарбайжон, Чехия каби давлатларда ўтказилган турли хил нуфузли халқаро танловларда иштирок этиб, санъатлари билан хорижликларни лол қолдириб, совринли ўринларни эгалладилар [2].

Ҳозирги вақтда мусиқа таълими ривожида Ўзбекистон олимлари, бастакорлар, етук тажрибали ўқитувчилар ўз дастурлари, дарсликлари, тавсияномалари, қўлланмалари билан ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Бугунги кунда мусиқий таълимнинг замонавий ютуқларидан фойдаланиб илмий тадқиқотларда олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда креатив фаолликни тақозо этади.

Олий ва ўрта таълим Вазирлиги, Ҳақ таълими Вазирлиги ҳамда миллий телердио компаниялар билан ҳамкорлигига бир қатор каналлар орқали талаба ёшларни таълим олишликларида масофавий таълим тизинини ташкил этилди. Шу маънода барча фанлар қатори, мусиқа таълими республика миқёсида рус ва ўзбек ҳамда қардош тилларида олиб борилди. Бу ўқувчиларнинг илм олишликларида турли тўсиқлар ғов бўла олмаслигини яна бир карра исботлади.

Олий ва ўрта таълим ўқитувчи-профессорларининг иш фаолиятини масофавий тарзда давом эттириш, масофавий таълим жараёнини ташкил этиш учун зарур бўлган ходимларнинг меҳнат фаолиятини масофавий иш усулига ўтказиш орқали ташкил этиш билан боғлиқ Ҳалқ таълими вазирининг 2020 йил 31 марта даги 91-сонли буйруғи [3] қабул қилинди.

Айнан мана шу ташкил этилган масофавий таълим республикамизнинг энг илғор фан ўқитувчиларидан барча фанлар қатори мусиқа маданияти фанининг илғор дарс жараёнларини ўзаро метод алмашиш турли видео семинарлар ташкил этишга асос бўлди.

Дарҳақиқат, телевидение, телеграмм, интернет ресурслари орқали ташкил этилган онлайн дарслар, видео семинарлар барча соҳалар қатори мусиқа таълимида республикамизнинг энг маҳоратли ўқитувчилари таълимнинг илғор ютуқларидан фойдаланган ҳолда дарс ташкил этишликлари асносида бир вақтнинг ўзида минглаб илм изловчилар қалбан бирлаштира олди. Мавзуларни ёритишида турли интерфаол усуллардан фойдаланиш, саволлар ва берилаётган топшириқларнинг жозибадорлиги профессор-ўқувчиларни янада маъсуллиятли ва ҳозиржавоб бўлишга унданганлиги билан биргаликда ижтимоий тармоқлар орқали илмий тадқиқот ишлари қўламини оришидан билиш мумкин бўлди.

Айниқса, мусиқа маданияти фанини онлайн тарзда ташкил этишда илғор тажрибалар, замонавий инновациялар, педагогик технологиялар, шунингдек, оммавий коммуникация воситаларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Замонавий педагогик технология ўзининг педагогика ва бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ хусусий назариясига эга; у биринчи галда

ўқув-тарбиявий жараённи илмий асосда қуришга йўналтирилган; ўқитишининг ахборот воситалари, дидактик материаллар, фаол методлардан кенг фойдаланишга асосланган илм изловчиларнинг ўзаро биргаликдаги фаолиятига замин яратди.

Интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчилар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар асосида ўтиладиган дарслар эса уларни эгаллаётган билимларни ўzlари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ўzlари келтириб чиқаришларига ўргатди.

Ушбу масофадан туриб таълим олишнинг бундай шакли Ўзбекистонда 2020 йил 30-март санасидан бошлаб амалга оширилди. Ва у юқори натижадорликка эришишимиз учун илк қадамлардан бири бўлди десак тўғрироқ бўлади.

Турли шароит ва даврларда мусиқа педагогикаси фанини чуқурроқ тадқиқ қилиш, кунлик амалиётда қўллаш ва амалиёт натижаларини тарғиб этиш бўйича қўйидаги формула шартларини бажариш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидандир:

Турли халқаро вебинарларда, конференцияларда бевосита иштирок этиши билан илмий тадқиқот ишларини ўрганиши ҳамда етук мутахассислар томонидан яратилаётган янгиликлардан боҳабар бўлиши

Таълим жараёнини масофадан туриб ташкил этиши орқали таълим оловчилар учун қулай вақт ҳамда шароит яратиши билан сифатли билим бериишишга эришиши

Таълимнинг замонавий имкониятларидан фойдаланиши орқали мусиқа педагогикасида электрон дарслик ва қўлланмалар жорий этиши

Онлайн сўровнома, саволнома-анкета, турли тажриба-синов ишларини амалга ошириши орқали илгор педагогик-психологик эришилган ютуқ ва камчиликларни аввалдан диагностика қилиши

Фойдаланган адабиётлар

1. А.Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2018.
2. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь.
3. Султонов, А., & Абдисатторов, А. (2022). МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МУСИҚА ИЛМИ РИВОЖЛАНИШИДА БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ

ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (10-2), 478-483.

4. Sultonov, A. (2022). MUSIQIY IDROKKA TA'SIR ETUVCHI TRANSFORMATSION TENDENSIYALARINI SHAKLLANTIRISHDA INNOVATSION TEKNOLOGIYALARNING SAMARADORLIGI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (10-2), 314-323.

5. Sultanov Akmaljon Normuhamatovich (2022). O'QUVCHILARDA MILLIY MUSIQA ESHITISH QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISHDA PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI. Science and innovation, 1 (B2), 259-263. doi: 10.5281/zenodo.6614904

6. Qirgizov, I., & Sultonov, A. (2019). Maktab repertuari: musiqiy ta'limda innovatsion yondashuv. Farg'onan.

7. A. Sultonov. (2023). INNOVATSION TA'LIM SHAROITIDA MUSIQIY IDROKGA TA'SIR QILUVCHI TALABA YOSHLAR TENDENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI. Amerika gumanitar va ijtimoiy Fanlar bo'yicha tadqiqotlar jurnali, 11, 232-237. Olingan <https://www.americanjournal.org/index.php/ajrhss/article/view/746>

8. Shakirov, T. N. (2022). SUCCESSION IS THE MAIN PRINCIPLE OF DEVELOPMENT OF NATIONAL MUSIC CULTURE. Oriental Journal of Social Sciences, 2(06), 1-10.

9. Шокиров, Т. Н. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ МУСИҚА ИЛМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(10-2), 353-359.

10. Kirgizov, I., Kirgizov, I., Najmetdinova, M., & Atabayeva, S. (2022, February). THE GENESIS OF THE DEVELOPMENT OF MUSIC CULTURE. In Archive of Conferences (pp. 57-60).

11. Kirgizov, I., Imyaminovich, K. I., Nurmuhammedjanov, A., Sotvoldievich, S. B., Mamasodikovna, N. M., & Juraevna, A. S. (2021). The Pleasure of Singing, Listening and Understanding Navoi. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 2410-2413.

12. Нурмуҳамеджанов, А. (2022). ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА БЎШ ВАҚТДАН ФОЙДАЛАНИШ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(10-2), 442-446.

13. Muydinov, J. S. (2022). XALQ QO 'SHIQLARI-USTOZLAR SAYQALIDA. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(10-2), 606-610.

14. Namozova, D. T. (2021). MUSIQA DARSLARIDA O'QUVCHILARNI KREATIVLIK HAMDA ERKIN TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISHNI TASHKIL ETISH. Scientific progress, 2(2), 1313-1315.

15. Djalolova, N. (2022). BO'LAJAK MUSIQA O'QITUVCHISINING AMALIY DARSLARGA TAYYORGARLIK FAOLIYATIDA KREATIVLIK JIHATLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(10-2), 534-539.